УДК 94 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ФАНИНИНГ АКАДЕМИК БИЛИМЛАР ТИЗИМИДА РИВОЖЛАНИШИ (1941 – 1945 ЙИЛЛАР)

С.Н. Мадярова

Мақолада Ўзбекистон тарихи фанининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги умумий ҳолати ўрганилган, СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали ҳамда ЎзССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг бу даврдаги илмий фаолияти таҳлил этилган. Уруш йилларида ЎзССР Фанлар академияси илмий салоҳиятининг Иттифоқ марказидан эвакуация қилинган олимлар ҳисобига ошиши, мазкур илмий марказларда фаолият олиб борган тарихчи ва археологларнинг 1941 – 1945 йиллардаги илмий тадқиқотлари натижалари ва Ўзбекистон тарих фанига қўшган ҳиссалари архив ҳужжатлари асосида умумлаштирилган.

Калит сўзлар: *Иккинчи жаҳон уруши, Фанлар академияси, филиал, тарих фани, эвакуация, мухбир аъзо, илмий муассасалар, ҳарбий ўқув курслари, реэвакуация.*

В статье изучено общее состояние исторической науки Узбекистана в годы Второй мировой войны, проанализирована научная деятельность Узбекского филиала Академии наук СССР, а также института истории и археологии Академии наук УзССР. На основе архивных документов освещены обогащение научного потенциала академии наук УзССР за счет эвакуированных ученых из Москвы и Ленинграда и его значение в развитии исторической науки Узбекистана. Приведены данные по итогам научной деятельности историков и археологов Академии наук УзССР с 1941 по 1945 годы.

Ключевые слова: *Вторая мировая война, Академия наук, филиал, историческая наука, эвакуация, член-корреспондент, научное заведение, военно-учебные курсы, реэвакуация.*

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Уруш муносабати билан бутун мамлакат учун умумий сафарбарлик эълон қилинди. 1941 – 1945 йиллардаги урушда фашистлар Германияси устидан тарихий ғалабани қўлга киритишда Ўзбекистонда фан, адабиёт, маориф ва санъат ходимларининг ҳам ҳиссаси беқиёс даражада катта бўлди. Бу даврда иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон олдига қўйган долзарб вазифаларни бажаришда республика илм-фан вакилларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Уруш бошланган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон халқлари маънавий маданиятининг бутун салоҳияти фашизмни тор-мор қилиш мақсадига сафарбар қилинди. Ўзбекистон фанининг бутун йўналишлари олимлар, илмий ходимларнинг фидойилиги ва ватанпарварлиги билан жуда қисқа муддатларда уруш даври эҳтиёжлари ва талабларига мослаштирилди.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишларини умумий мувофиқлаштиришни СССР Фанлар академиясининг 1940 йилда ташкил этилган Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) амалга оширди. Уруш бошланган пайтда Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали таркибига геология, энергетика, кимё институтлари, ботаника ва тупроқшунослик институти, тил, адабиёт ва тарих институти, иқтисодий тадқиқотлар бюроси, физика-математика сектори ва бошқа илмий бўлинмалар кирарди [1. Б. 4-6] .

СССР ФА Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) таркибида фаолият олиб бораётган илмий ходимларнинг армия сафига олиниши мумкин бўлган маълум бир қисми урушнинг дастлабки кунлариданоқ ҳарбий тайёргарликдан ўтказилиб, фронтга юборилди.

Республика олимлари фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири иқтисодиётни уруш даври андозасига солиб қайта қуришда иштирок этиш, мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳаллий хом ашёни ўрганиш ва ўзлаштириш, янги ресурсларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва деҳқончилик хўжаликларига амалий илмий-техникавий ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Масалан, Ўрта Осиё индустриал институти ва САГУ (Ўрта Осиё давлат университети) ходимлари Ангрен кўмиридан, каучукли ўсимлик ва алинутлардан фаоллик билан фойдаланиш юзасидан тадқиқот ишлари олиб бордилар. Аграр ихтисосдаги институтларнинг олимлари ҳосилдорликни ошириш ва янги қишлоқ хўжалик экинларини жорий қилиш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш усулларини ишлаб чиқдилар [2. Б. 488].

Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари – тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар ва файласуфлар ўзларининг ижодий меҳнатлари билан мамлакат илмий салоҳиятини ривожлантиришга,

оммага инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик ғояларини сингдиришга қимматли ҳисса қўшдилар. Бу соҳа вакилларининг уруш шароитидаги энг муҳим вазифаси халқ оммаси қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, душманга қарши нафрат, ғалабага юксак ишонч туйғуларини ҳосил қилиш эди. Шу муносабат билан урушнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда ҳам тарихга мурожаат, қадим ва яқин тарихдаги ватанпарварлик намуналаридан сабоқ олишга даъват этувчи шиорлар, аниқ мисоллар баён этилган илмий мақолалар матбуот саҳифаларида эълон қилина бошлади.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонга СССРнинг ғарбий минтақаларидан Иттифоқ Фанлар академияси институтлари ва илм-фан арбоблари ҳам эвакуация қилинди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзига 1941 йилнинг кузида СССР Фанлар академиясининг шарқшунослик, тарих, жаҳон адабиёти, моддий маданият тарихи ва бошқа илмий тадқиқот институтлари, кўплаб олимлар: академиклар Б.В.Струве, В.Д.Греков, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Е.Е.Бертельс, Б.Ф.Шигмаров, А.Ю.Якубовский, А.А.Михайлов ва бошқалар кўчиб келдилар.

Иттифоқ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали илмий муассасаларининг асосий фаолият йўналиши 1941 йилнинг иккинчи ярмидан илмий тадқиқот йўналишлари ва мавзуларини тубдан ўзгартириш долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди [3. Б. 51]. Энг аввало, илмий муассасалар илмий режаларидаги мавзулар қайта кўриб чиқилиб, уруш эҳтиёжлари ва талабларига мувофиқлаштирилди. Шу сабабли ўша даврда Филиал таркибида бўлган Тил, адабиёт ва тарих институтининг ҳам урушдан аввалги бир қанча ишлари режадан чиқарилди ёки тўхтатиб қўйилди, режага янги ҳарбий мудофаа мавзулари киритилди. Институтнинг “Тарих ва археология” бўлими ходимлари зиммасига эса олий ўқув юртларининг уч йиллик таълим тизимига ўтиши муносабати билан ўқув юртларини тарих дарсликлари билан таъминлаш, ўзбек халқининг мўғул босқинчиларига, араб халифалигига ва “босмачилик”ка қарши Ўрта Осиёдаги фуқаролар уруши тарихининг алоҳида ҳолатларини акс эттирган мудофаа кутубхонаси бўйича тадқиқотлар олиб бориш, Иккинчи жаҳон уруши мавзусидаги оммабоп рисолаларни яратиш каби асосий вазифалар юклатилган эди. Шу боис, 1940 йил режасига киритилган 2 жилдлик “Ўзбекистон халқлари тарихи” дарслиги 1941 йилнинг иккинчи ярим йиллик режасига ҳам киритилди ва бу борадаги илмий изланишлар фаол тус олди [4. Б. 175].

Дарсликнинг 1-жилдини тайёрлаш учун ленинградлик профессор олимлар А.Ю.Якубовский ва П.П.Ивановлар жалб қилиниши кўзда тутилган эди. Бироқ институтга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, улар фақат 1942 йилдан бу ишга кириша олар эди. Шу сабабли 1941 йилги режага фақат 2-жилд киритилди. Мазкур жилдга бириктирилган ходимларнинг бир нечтаси урушнинг дастлабки кунларидан 1941 йил ноябрь ойига қадар армия сафига чақирилиб, кичик илмий ходимлар сони камайган эди. Дарсликни бажаришга бириктириладиган илмий ходимлар муаммоси Москва ва Ленинград шаҳарларидан Ўзбекистонга эвакуация қилинган тарихчи-археологлар ҳисобига маълум даражада ечимини топди. Институтнинг академик ва мухбир аъзолар иштирокидаги муҳокамаларида дарсликка тегишли бутун материални 3 қисмга ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди [4. Б. 176].

Биринчи жилдни тайёрлайдиган ходимлар борасида муаммо йўқ эди. Бу жилдни тайёрлашга академик В.В.Струве раҳбарлигида профессорлар А.Ю.Якубовский, К.В.Тревер, илмий ходим М.Э.Воронецлар бириктирилган эди. Йил охиридаёқ ушбу жилд бўйича бир неча вариантлар нашрга тайёрланган [5. Б. 33].

Дарсликнинг СССР ФА мухбир аъзоси С.В.Бахрушин раҳбарлигидаги 2-жилдини тайёрлашда бўлим ходимларидан ташқари, СССР ФА илмий ходимлари, шартнома бўйича доцент К.И.Додонов ва профессор А.А.Семеновлар ҳам иштирок этди. Лекин XVI–XVIII асрлар тарихини ўрганадиган тадқиқотчилар йўқ эди. Қолган қисмлар институт ходимлари билан бирга академик Ю.В.Готье, мухбир аъзолар В.И.Пичета, С.В.Бахрушин, М.С-.Андреев, профессорлар М.Нечкина, И.Полосин, Райнов ва бошқаларга тақсимлаб берилган [4. Б. 176].

СССР ФА мухбир аъзоси А.М.Панкратова раҳбарлигидаги 3-жилд эса СССР ФА Тарих институти режасига киритилган бўлиб, СССР ФАнинг совет даври тарихи билан шуғулланувчи тарихчилар гуруҳи томонидан тадқиқ этилиши кўзда тутилган эди [6. Б. 53].

Ўзбекистон тарихида биринчи бор яратилган бу фундаментал асар коммунистик мафкурага бўйсундирилган ҳолда ёзилган бўлиб, унда тарихий воқеликлар сохталаштирилган, кўп ўринларда нохолис илмий хулосалар илгари сурилган эди.

Шу ўринда мавзуларни бажаришда қийинчиликлар туғдирган омилларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Қоғоз ва археологлар учун керакли асбоб ва жиҳозларнинг танқислиги, илмий ходимлар сонининг тез-тез ўзгариб туриши каби ҳолатлар илмий ишларнинг вақтида бажарилмай қолишига бевосита таъсир кўрсатган. Шунингдек, СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1941 йил 26 июндаги ишчи ва хизматчиларнинг иш вақти режими

ҳақидаги фармонига кўра, 1941 йил 3 сентябрда директор ўринбосари лавозими, 1941 йилнинг 1 ноябридан ўриндошлик лавозими, Филиал таркибидаги институтда фаолият олиб бораётган ходимларнинг навбатдаги ва қўшимча меҳнат таътиллари бекор қилинди.

Филиал Президиуми томонидан фақат узрли сабаблар (оила аъзосининг вафот этиши ёки оғир касаллиги) билан 3 кунлик муддатга рухсат берилиши қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, институт илмий ходимларининг режадаги ишларни уйда бажариши билан боғлиқ амалиёти ҳам тўхтатилди. Шу каби уруш даври муаммолари ва қийинчиликларига қарамай, “Тарих ва археология” бўлими жамоаси режадаги ишларни ўз вақтида бажариб келди [7. Б. 6].

1942 йилда “Тарих ва археология” бўлими жамоаси томонидан 4 та – “Ўзбекистон халқлари тарихи” дарслиги, С.Бахрушин раҳбарлигидаги 2 жилдлик “Ўзбекистон халқлари тарихидан лавҳалар ва материаллар”, Л.Мацулевич раҳбарлигидаги “Моддий маданият тарихидан лавҳалар ва материаллар” ҳамда “Мудофаа тематикаси” мавзулари бўйича ишлар давом эттирилди. Мудофаа мавзусидаги асарлар “Жангчининг бадиий-тарихий библиотекаси” ҳамда “Буюк рус қўмондонлари” каби икки номдаги ҳажми унча катта бўлмаган оммабоп рисолалардан иборат эди. 1942 йилда К.Антонова, Р.Набиев, Н.Гольдберг, И.Полосин, В.Жуков, Я.Радуль-Затуловскийлар томонидан 23,75 босма табоқ ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишлари ҳамда С.Толстов томонидан шартнома асосида бажарилган илмий-оммабоп рисола тайёрланган [7. Б. 7]. Нашрга тайёрланган ватанпарварлик ва жанговарлик руҳидаги илмий адабиётлар ва рисолалар номидан ҳам кўриниб турганидек, бу асарлар асосан рус ҳарбий саркардалари ва уларнинг жанговарлик маҳорати ва шуҳратини мадҳ этувчи характерда эди. Уларда ўзбек халқининг буюк саркардалари бўлмиш Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимизнинг мероси, жанг олиб бориш усуллари ва саркардалик маҳорати каби муҳим масалалар эътиборга олинмаган.

Бўлим томонидан бажарилиши кўзда тутилган мавзулар режасидан ташқари, Октябрь инқилобининг 25 йиллигига бағишланган тўпламларга ҳам бўлим ходимларининг 9,50 босма табоқ ҳажмидаги 8 та мақоласи ҳам киритилган. Бундан ташқари, бўлим илмий ходимларининг алоҳида ишлари ҳам нашр этилган. Архив маълумотларига кўра, 1942 йил бошларида тарихчи ва археологларнинг юзга яқин номдаги ишлари тайёрланган ва нашрга берилган [7. Б. 8].

1942 йилда Шимолий Тошкент канали ва Оққовоқ каналидаги қурилиш ишларида олиб борилган 93 кунлик археологик кузатув ишларида археологлар томонидан эрамизнинг I асрига тегишли ибтидоий жамоа тузуми ва X – XI асрларга оид жуда қимматли материаллар қўлга киритилди [4. Б. 182].

Уруш йилларида ижтимоий фан соҳа вакилларининг энг муҳим вазифаларидан яна бири тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш эди. Тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар, файласуфлар коммунистик мафкура доирасида бўлса-да, ўз олдиларига уруш даври қўйган вазифаларнинг масъулиятлилиги ва муҳимлигини тушунган ҳолда ижодий куч-ғайратларини фашизм мафкурасига қарши курашга, гитлерчиларнинг босқинчилик сиёсатини фош қилишга, халқимизнинг юксак ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга қаратдилар. Шу мақсад учун Тил, адабиёт ва тарих институтида Илмий тарғибот бюроси ташкил этилиб, бюро Филиал қошида расмийлаштирилган. Мазкур бюро режали равишда маърузалар ташкиллаштириш ишини олиб борган.

Ўзбекистон олимлари ўзларининг ижодий меҳнатлари билан мамлакат илмий салоҳиятини ривожлантиришга қимматли ҳисса қўшдилар, самарали ишлари билан мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ҳарбий қудратини оширдилар ва мустаҳкамладилар, халқ оммасига инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик ғояларини сингдирдилар. Бу ишларда ўзбек олимлари билан бир қаторда уруш йилларида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган Россия Федерацияси ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг олимлари анча-мунча ёрдам кўрсатдилар. Фақат Тошкентнинг ўзига мамлакатнинг таниқли илмий ходимларидан 375 киши келган бўлиб, улар республика имкониятларини иложи борича уруш эҳтиёжларига кўпроқ жалб қилиш йўлларини қидириб топишга, илмий муаммоларни ҳал қилишга ва маҳаллий илмий кадрлар тайёрлашга ёрдам бердилар.

Урушнинг дастлабки ойларида институтнинг “Тарих ва археология” бўлимида мақолалар нашр этиш имкониятлари уруш муносабати билан пасайиб кетгани боис, бу даврда бажарилаётган ишларни оммалаштиришдаги асосий восита омма орасида маърузалар ўқиш бўлди. Тошкентга марказдан эвакуация қилинган йирик олимларнинг келиши билан институтнинг бу борадаги имкониятлари янада кенгайган. Уруш бошланганидан 1941 йил декабрига қадар Тошкент шаҳридаги ташкилот ва муассасаларда 129 та маърузалар ўқилган. Бунинг учун 26 та йирик олим – академиклар, мухбир аъзолар, фан докторлари, профессорлар жалб этилган. Маърузаларда кенг доирадаги ташкилотлар қамраб олинган. Биринчи навбатда, партия фаолларига, сўнгра республика йиғилишлари

тарғиботи бўйича обком котибларига, Ўз КП шаҳар қўмитаси, ЎзФАНда, шунингдек, қатор ҳарбий академияларда, Ўрта Осиё ҳарбий округи сиёсий бошқармаси ва бошқа ҳарбий ташкилотларда тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, Маориф Халқ Комиссарлиги йўналишида тарих ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини ошириш бўйича иккита махсус курс ташкил этилган, партия ташкилотларида, олий таълим муассасаларида, завод ва корхоналарда, госпиталларда ҳам кўплаб ана шундай маърузалар ташкиллаштирилган.

ЎзКП(б) МҚнинг топшириғи билан институтнинг бир қатор йирик олимлари Самарқанд, Фарғона, Наманган, Бухоро, Андижон каби шаҳарларга сафарбар қилиниб, бу шаҳарлардаги турли ташкилот ва муассасаларда ҳам 20 дан ортиқ маърузалар ташкил қилинган [4. Б. 183]. Бундан ташқари, институт олимлари томонидан “Буюк рус қўмондонлари” ҳамда ҳарбий ва инқилобий масалаларга бағишланган 2 хил серия ва 30 номдаги оммабоп рисолалар яратиш, нашр этиш режаси ишлаб чиқилган [7. Б. 8].

1942 йилда ҳам “Тарих ва археология” бўлими штатидаги 16 та ходимдан 14 таси илмий маърузалари билан, диссертацияларга тақризчи сифатида ва бошқа тадбирларда иштирок этган. Ўн нафар илмий ходим томонидан ҳарбий касалхона ва ҳарбий қисмларда, ишлаб чиқариш корхоналарида илмий оммабоп мазмундаги 91 та маъруза ўқилган [6. Б. 18-20]. “Тарих ва археология” бўлими ходимлари Шимолий Тошкент ва Катта Фарғона канали, Тошкент канализацияси қурилиши, Фарҳод ГЭСи қурилишида, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тадбирларда ҳам фаол иштирок этган, қурувчилар ўртасида турли мавзуларда маърузалар қилинган [8. Б. 44-48].

Институтнинг “Тарих ва археология” бўлими илмий ходимларининг хизматлари Филиал маъмурияти томонидан ижобий баҳоланиб, ЎзССРнинг 25 йиллиги олдидан 3 жилдлик дарслик яратишдаги ҳиссаси ва бир қатор хизматлари учун институт директори Э.Наджип ва академик В.В.Струве, СССР ФА мухбир аъзоси С.В.Бахрушин, тарих фанлари доктори К.В.Тревер ва А.Ю.Якубовский, илмий ходимлар В.А.Шишкин, З.Ш.Раджабовларга алоҳида миннатдорлик билдирилган [9. Б. 116].

1943 йилдан бошлаб тарих, маданият, этногенез муаммолари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган, тарихчи-шарқшунослар томонидан Ўзбекистон этнографик харитаси тайёрланган. Асосий мавзулардан ташқари, 1943 йилда “Тарих ва археология” бўлими режасига қўшимча равишда Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ материалларни йиғиш иши ҳам киритилди ва биринчи ярим йилликда илмий, илмий-услубий, ташкилий йўналишда қатор ишлар амалга оширилди [10. Б. 81].

1943 йилнинг сентябрида Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ташкил этилиши республика ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг тантанали очилиш маросими 1943 йил 4 ноябрда бўлиб ўтди. Фанлар академиясининг биринчи президенти қилиб таниқли олим Т.Н.Қори-Ниёзов сайланди. 1943 йилнинг ноябрь ойида ЎзССР Фанлар академияси билан бирга ЎзФАНнинг “Тарих ва археология” бўлими базасида Тарих ва археология институти ҳам ташкил топди [11. Б. 10]. Институт ташкил этилган даврда муассаса таркибида 5 та – “Совет жамияти тарихи”, “Янги тарих”, “Қадимги ва ўрта асрлар тарихи”, “Археология” бўлимлари мавжуд эди [12. Б. 1].

СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг Тарих ва археология бўлими институт сифатида қайта ташкил этилганидан кейин бу институтнинг фаолияти анча кенг йўналиш ва қамровда қайта ташкил этилди. Институтнинг 1944 йилги мавзулар режасига 8 та асосий мавзу киритилиб, улар “Ўрта Осиёдаги этногенез масалалари”, “Ўзбекистон халқлари маданияти тарихидан лавҳалар”, 2 жилдлик “Ўзбекистон халқлари тарихидан лавҳалар”, “Ўзбекистоннинг 1941 – 1945 йиллар уруш давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти”, “Этнография маълумотлари асосидаги ўзбек халқининг турмуш тарзи ва маданияти”, “Қурилишлардаги археологик-этнографик кузатув ишлари”, “Ажойиб кишилар ҳаёти тарихи” каби мавзулардан иборат эди [11. Б. 9-10].

1944 йили институт ходимлари томонидан ўтган 1943 йилда амалга оширила бошланган “Улуғ Ватан уруши тарихи” фундаментал тадқиқот мавзусининг давоми бўлган “Улуғ Ватан уруши хроникаси”, “Ўзбекистон колхозларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолияти”, “Ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонлиги” деб номланган 3 та йирик мавзу устида тадқиқотлар олиб борган. Бўлим зиммасига республиканинг саноат корхоналарида материал йиғиш, 1943 – 1944 йилларда йиғилган материаллар устида ишлаш вазифаси юклатилган [13].

1944 йилда республикада бир қатор янги олий ўқув юрти тармоқлари қад кўтарди. 1941 йилда вақтинча ёпиб қўйилган Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университети яна ўз фаолиятини бошлади. Чимбой ва Урганч шаҳарларида педагогика, Наманган ва Марғилонда ўқитувчилар институтлари, Тошкентда театр институти иш бошлади, Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)да бир қанча янги факультетлар (филология, шарқшунослик факультетлари), Тошкент давлат хотин-қизлар педагогика институтида табиий-география факультети, Тошкент тўқимачилик институтида

пахтани дастлабки ишлаш факультети очилди. Бу каби янги факультетлар Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент техника университети), Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам ташкил қилинди. 14 та олий ўқув юртида сиртқи бўлимлар иш бошлади. Бу каби янгидан ташкил этилган олий таълим муассасалари ижтимоий-гуманитар факультетлари эҳтиёжлари учун зарур бўлган янги дарслик ва ўқув қўланмалар яратиш, нашр этишда Тарих ва археология институти олимларининг иштироки катта бўлди.

1944 йилнинг бошларидан Тарих ва археология институтида реэвакуация жараёни бошланди. Январь ойи бошларида Арманистон Фанлар академиясига доимий ишга ўтиши муносабати билан К.В.Тревер, СССР ФА Моддий маданият институти директорлиги ишининг кўпайгани ва бетоблиги сабабли А.Ю.Якубовский, Ашхобод шаҳрига ишга ўтиши муносабати билан В.Г.Мошковалар бўлимдаги вазифаларидан озод қилинган [13]. 1945 йил биринчи ярмида академик В.В.Струве, тарих фанлари доктори Е.В.Бунаков, тарих фанлари номзоди Е.М.Пещерева ва катта илмий ходим С.В.Мусиналар Ленинградга – аввалги иш жойларига қайтганлар [14. Б. 70]. “XIX асрнинг охири XX аср бошида Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистоннинг иқтисодий алоқалари” мавзусида изланиш олиб бораётган профессор Е.П.Бунаковнинг мазкур иши унинг Ленинградга қайтгани боис якунланмай қолган [3. Б. 54-55].

1945 йилда Тарих ва археология институтида ўтган йилларда тадқиқ этилиши бошланган илмий муаммолар билан бир қаторда этногенез масалаларини ҳам тадқиқ этиш бошланган. Бу муаммони ўрганиш мақсадида институт ходимлари томонидан бир қатор антропологик тадқиқот ишлари режаси тузилган. Бу борада 1945 йил давомида бир қатор муҳим изланиш натижалари эълон қилинди. Шу йили академия тизимидаги институтлар эришган муҳим натижалар қаторида Тарих ва археология институтининг антропология маълумотлари асосидаги ўзбек халқининг этногенези ва Ўрта Осиёнинг XVII – XIX асрлардаги суғорилиш тарихи мавзуларидаги илмий тадқиқотлари алоҳида тилга олинган.

Шу билан бир қаторда археолог олимлар Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси ва Улуғбекнинг шаҳар атрофидаги боғ-саройи иншоотларида, Афросиёб ва Варахша шаҳарларида қазиш ишларини ҳам олиб бордилар. Я.Ғ.Ғуломов ва С.П.Толстов бошчилигида Хоразмда археологик-этнографик экспедиция ишлари қайта тикланди, қадимги Хоразм цивилизациясининг катта миқдордаги археологик ёдгорликлари очилди ва ўрганилди.

Шарқшунос олимлар ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганишга катта эътибор бердилар. А.Расулов, В.Зоҳиджонов, Э.Муҳамедхўжаев, А.А.Семёнов, Д.Г.Вороновский ва бошқалар қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ва илмий изоҳлаш ишлари билан самарали шуғулландилар [2. Б. 490].

Уруш йилларида СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали олдидаги долзарб масалалардан бири академик тизимида фаолият олиб борувчи миллий мутахассис кадрлар тайёрлаш эди. 1941 йилнинг август ойида Тарих ва археология бўлими штати 12,5 ходимдан иборат бўлган бўлса, 1943 йил охирларида асосий иш ўрнидаги илмий ходимлар сони 19 тага етди. Уруш арафасида Филиалнинг СССР Фанлар академиясига 50 та аспирант юбориш ҳамда марказдан республикага 17 та аспирант келиши тўғрисида келишуви бор эди. Лекин уруш муносабати билан бунинг имкони қолмаганлиги боис республикада зарур мутахассисликлар бўйича аспирантура очиш ҳақида таклиф берилган. Унда аспирантура йўналишлари учун 29 та юқори малакали олимларнинг раҳбар бўла олиши мумкинлиги айтилган. “Тарих” мутахассислиги бўйича қуйидаги олимлар тавсия этилган: профессор Фитуни, А.А.Семенов, М.Г.Маллицкий (Ўрта Осиё тарихи), СССР ФА мухбир аъзоси Андреев (этнография ва форс тили), тарих фанлари номзоди Баженов (Умумий тарих), археология фанлари доктори М.Е.Массон (Археология), тарих фанлари номзоди К.И.Додонов (СССР тарихи) тарих фанлари номзоди Хайтун (Қадимги ва синфий жамиятгача бўлган давр тарихи) [15. Б. 16]. Умуман, 1941 йил режасида Ўрта Осиё тарихи мутахассислиги учун 4 та, этнография мутахассислиги учун 1 та аспирантурага ўрин ажратилган [16].

1942 йилда “Тарих ва археология” бўлимида 2 та докторлик ва 1 та номзодлик, 1943 – 1944 йилларда эса 3 та (Ш.Шомагдиев, О.Д.Чехович, М.Г.Ваҳобов) номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Илмий ходимларнинг малакасини ошириши юзасидан номзодлик минимум тайёргарлиги учун чет тиллари, марксизм-ленинизм курслари бўйича семинар ташкил қилинган ва у мунтазам ўтказиб турилган. Шунингдек, институтнинг тарихчи ва археологлари СССР ФАнинг сессия ва йиғилишларида ҳам иштирок этиб келганлар [4]. Бу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, уруш йилларида маҳаллий миллат вакилларидан ва маҳаллий илмий ходимлардан ижтимоий-гуманитар соҳаларда ҳам илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш биринчи бор йўлга қўйилган.

Умуман, Ўзбекистон Фанлар академияси 1943 – 1945 йилларда жиддий илмий муваффақиятларга эришди, у иттифоқда танилган илмий мар-

казга айланди. 1944 йилдаёқ академия таркибида 23 та илмий муассаса, шу жумладан, 11 та илмий тадқиқот институти, 2 та лаборатория, сейсмик станция, тажриба станциялари, ботаника боғи ва 2 та музей фаол ишлади. Академия институтларида академиянинг 3 нафар фахрий аъзоси, 15 нафар ҳақиқий аъзо, 20 нафар мухбир аъзо, 54 нафар фан доктори, 172 нафар фан номзоди, жами 1265 нафар илмий ходим фан оламининг турли жабҳаларида тадқиқот ишларини олиб бордилар, республика табиий ресурсларини ўрганиш ва халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратилган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулландилар [17. Б. 431].

Хуллас, Иккинчи жаҳон уруши академик тизимда ривожланаётган Ўзбекистон тарих фанига жиддий таъсир кўрсатди. Тарихчи олимлар фаолияти уруш даврининг жуда мураккаб ва қийин шароитларига тўғри келди. Уларнинг бутун куч ва эътибори, биринчи навбатда, фронт ва фронт орти эҳтиёжларига қаратилди. Бир томондан, режадаги мавзуларнинг тез-тез ўзгариб туриши, академия тизимида ёш малакали тарихчи мутахассислар сонининг етарли эмаслиги ва тадқиқотлар учун зарур моддий маблағнинг етишмаслиги фан ривожига тўсқинлик қилган бўлса, иккинчи томондан, Москва ва Ленинграддан эвакуация қилинган юқори малакали олимларнинг маҳаллий тарихчилар ва археологлар билан ҳамкорликдаги ишлари илмий тадқиқотлар ривожида ва маҳаллий мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси архиви (ЎзР ФА архиви), 1-фонд, 1-рўйхат, 76-йиғма жилд.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. ЎзР ФА архиви, 52-фонд, 1-рўйхат, 579-йиғма жилд.
4. ЎзР ФА архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 81-йиғма жилд.
5. ЎзР ФА архиви, 1-фонд. 1-рўйхат, 89-йиғма жилд.
6. ЎзР ФА архиви, 52-фонд, 1-рўйхат, 198-йиғма жилд.
7. ЎзР ФА архиви, 54-фонд, 1-рўйхат, 75-йиғма жилд.
8. ЎзР ФА архиви, 1-фонд, 1-Л-рўйхат, 54-иш.
9. ЎзР ФА архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 105-йиғма жилд.
10. ЎзР ФА архиви, 1-фонд, 1-Л-рўйхат, 59-йиғма жилд.
11. ЎзР ФА архиви, 54-фонд, 1-рўйхат, 77-йиғма жилд.
12. ЎзР ФА архиви, 5-фонд, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд.
13. ЎзР ФА архиви, 54-фонд, 1-рўйхат, 273- йиғма жилд.
14. ЎзР ФА архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 132- йиғма жилд.
15. ЎзР ФА архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд.
16. ЎзР ФА архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 82- йиғма жилд. Приказы 1941 г.
17. *Шамсутдинов Р., Каримов Ш.* Ватан тарихи (Иккинчи китоб). – Андижон: Мерос. – 1998.

DEVELOPMENT OF THE HISTORY OF UZBEKISTAN AS A SCIENCE IN SYSTEM OF ACADEMIC KNOWLEDGE (1941 – 1945)

S. N. Madyarova[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 43–49.

[1]Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, 100060, Dist. Mirabad, str. Shakhrisabz passage, 5 (Uzbekistan). E-mail: info@uzhistory.uz

Keywords: World War II, Academy of sciences, branch, history, institute, front, evacuation, historians, propaganda, member correspondent, defence themes, scientific institution, military-scholastic courses, reevacuation.

During the years of World War II the representatives of science, education and culture made their deserving contribution to the victory over fascist aggressors alongside with workers and toilers

Scientists of the humanities of Uzbekistan - historians, archaeologists, orientalists, literary critics, linguists, economists and philosophers directed their scientific-creative activities to the development of the scientific potential of the country, as well as humanism and patriotism among peoples' masses.

Men of science, like others took hardships of the war period on their shoulders, they carried out all the tasks, fulfilled duties in time.

Besides agitation and propaganda works, they carried on new researches in the sphere of fundamental sciences, supervised scientific papers of young specialists.

From the first days of the war the institutes of the Union academy of sciences and men of science were evacuated to Uzbekistan from western regions of the USSR. The institute of oriental studies as well as history, world literature, history of material culture and other research institutes of the Academy of sciences of the USSR, academicians B.V. Struve, V. D. Grekov, member-correspondents of the USSR Academy of sciences E.E.Bertels, B.F.Shigmarov, A.Ju.Yakubovsky, A.A.Mihaylov and others moved to the city of Tashkent in the autumn of 1941. The formation of the Academy of sciences of Uzbek SSR in September of 1943 was a great event in the life of the republic.

The opening ceremony of the Academy of sciences of Uzbekistan took place on November 4, 1943. T.N. Kari-Niyazov was elected first president of the Academy of sciences. The Academy of sciences of Uzbekistan made serious scientific achievements during 1943-1945. Soon it turned into a well-known research centre.

The Institute of history and archaeology came into being on the basics of the department of "History and archaeology" of the branch in November 1943.

In consisted of 5 departments: "History of the Soviet society", "New history", "Ancient and medieval history" and "Archaeology".

Eight major themes entered the 1944 plan of research works: ethnogeny of Uzbek people, pages from the history of culture of Uzbek people, pages from the history of the people of Uzbekistan (2 volumes), Uzbekistan during the war time (1941-1945), Uzbek mode of life and culture on the basis of the materials of ethnography, archaeology-ethnographic observations at the construction sites, history of lives of prominent people.

Twenty three scientific institutions particularly 11 research institutes, 2 laboratories and 2 museums within the Academy in 1943 worked actively. Three honorary members of the Academy, 15 active members, 20 correspondent members, 54 doctors of science, 172 candidates of sciences, totaly 1265 scholars carried on research works in different fields of science. They were engaged in the solution of the complex problems directed to the development of important branches of the national economy, study of the natural resources of the republic as well.

References

1. O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi arxivi, 1-fond, 1-ro'yxat, 76-yig'ma jild (The Archive of the Academy of sciences of the Republic of Uzbekistan – AAS RUz), Fund 1, List 1, Deal 76.

2. Jo`rayev, T. (ed.) (2000) *O`zbekistonning yangi tarixi. Ikkinchi kitob. O`zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida* [New history of Uzbekistan. Book 2. Uzbekistan during the Soviet occupation] Tashkent: Sharq.

3. AAS RUz, Fund 52, List 1, Deal 579.

4. AAS RUz, Fund 1, List 1, Deal 81.

5. AAS RUz, Fund 1, List 1, Deal 89.

6. AAS RUz, Fund 52, List 1, Deal 198.

7. AAS RUz, Fund 54, List 1, Deal 75.

8. AAS RUz, Fund 1, List 1-L, Deal 54.

9. AAS RUz, Fund 1, List 1, Deal 105.

10. AAS RUz, Fund 54, List 1-L,, Deal 59.

11. AAS RUz, Fund 54, List 1, Deal 77.

12. AAS RUz, Fund 5, List 1, Deal 80.

13. AAS RUz, Fund 54, List 1, Deal 273.

14. AAS RUz, Fund 1, List 1, Deal 132.

15. AAS RUz, Fund 1, List 1, Deal 85.

16. AAS RUz, Fund 1, List 1, Deal 82, Orders 1941.

17. Shamsutdinov, R., Karimov, Sh. (1998) *Vatan tarixi* (Ikkinchi kitob) [The history of Motherland (Book 2)]. Andijan: Meros.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Мадярова Салима Нуманджановна – ЎзР ФА Тарих институти илмий ходими, тарих фанлари номзоди. E-mail: salima_madyarova@mail.ru